

**СИҚИЛГАН ГАЗ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА
ШАРТНОМА № 2**

« 17 » январ_ 2022 йил

Бухоро.ш

“BUXARA GAZ EKO SERVIS” MCHJ (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилади. Ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи К.И.Файзиллоев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Бухоро шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда “Истеъмомчи” деб юритилади, ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи А.Ахмедов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмомчи»га сиқилган газ бўйича 2022 йилга ажратилган лимитларга асосан, бошқа ёқилғи махсулотлари турлари сиқилган газ (метан) бўйича эса «Таъминотчи»нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмомчининг талабномасида кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Тузилган спецификация ва график шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.2. Тўловлар «Истеъмомчи»нинг 2022 йилги ҳаражатлар сметасида ажратилган маблағлардан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

1.3 Шартноманинг умумий суммаси 49615200 сўмни ташкил қилади. Шартноманинг суммаси сиқилган газ махсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилаётган сиқилган газ махсулотларининг нархлари, сиқилган газ махсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул ҳаражатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлиғи қарорига асосан ўзгартирилганда ёки сиқилган газ махсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда қайта кўриб чиқилади.

2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Сиқилган газ махсулотлари «Истеъмомчи»га ажратилган лимитлар доирасида, «Истеъмомчи» таксимотига кўра ўз транспортида, марказлаштирилган тарзда, «Транзит» билан ёки ёқилғи қуйиш шаҳобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда (кераклисини ости чизиб қўйилсин) етказиб берилади.

2.2. Сиқилган газ махсулотларини ортиш (олиб чиқиб кетиш) томонлар келишган вақтда, ортиш жадвалига асосан амалга оширилади. Махсулотни ортиш вақти томонлар келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. «Истеъмомчи» сиқилган газ махсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда сиқилган газ махсулотларини ташиб кетишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилишни ўз зиммасига олади.

2.4. «Таъминотчи» омборига махсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар махсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларнинг бўш бориб келиши учун қилинган ҳаражатлар «Истеъмомчи» зиммасига тушади.

2.5. Сиқилган газ махсулотлари қуйилган автоцистерналар («Истеъмомчи»нинг автотранспортида олиб кетиш ҳоллари бундан мустасно) «Таъминотчи» ёки унинг бўлимлари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Истеъмомчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6. Сиқилган газ махсулотлари «Таъминотчи» транспорти билан ташилганда транспорт ҳужжатларида транспорт хизматининг ҳақи ҳам кўрсатилади.

2.7. «Таъминотчи» махсулот йўқлиги сабабли махсулотни тўла бермаган тақдирда, берилмай қолган махсулот миқдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериши шарт. Агарда махсулоти етказиб берилмаганлиги «Истеъмомчи»нинг зарар кўришига олиб келса, «Таъминотчи» кўрилган зарарни тўлайди.

3. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади.

3.2. «Истеъмомчи» олаётган нефт махсулоти учун ҳар ой олдиндан тулов:

- газ (Метан ва пропан) учун 30 фоиз;

- сиқилган газ ёқилғиси учун 30 фоиз миқдорида 2022 йил 31 январ_ гача амалга оширилади.

3.3. «Истеъмомчи» томонидан тўловлар ҳар ойда, илова қилинган графикка асосан, ҳаражатлар сметасида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

3.4. «Таъминотчи» сиқилган газ махсулотларини «Истеъмомчи»га махсулотни юклаш пайтидаги улгуржи